

TO`SHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline

Haqiqat online

haqiqatonline_



QR-kod

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVINI TAYINLASH TUG`RISIDA

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 110 ва 128-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 66-моддасига асосан:

1. 2023 йил 9 июль кунига муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тайинлансин.

2. Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига юборилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида

Юртимизда 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдумда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини иштирок этган фуқароларнинг 90,21 фоизи томонидан ёқлаб овоз бериш орқали қабул қилинганлиги унда халқимизнинг Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича орзу-умидлари ва интилишлари ўз аксини топганлигидан далolat бермоқда.

Янги таҳрирдаги Конституция Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратиб, миллий давлатчилик тараққиётининг тарихий муҳим босқичида давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Референдум кўп миллатли буюк халқимизнинг бирдамлиги ва ҳамжиҳатлиги, суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат қуришга қатъий қарор қилганлигининг ишончли ифодаси бўлди.

Хусусан, Конституцияда давлат қурилишининг янги стратегик мақсади – ижтимоий давлат қуриш эканлиги белгилаб берилди, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари жорий этилди, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги механизмларини назарда тутувчи конституциявий асослар мустаҳкамланди.

Ҳокимиятлар бўлиниши принципи ҳамда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг замонавий концепциясини ҳисобга олган ҳолда, Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ўртасида ваколатлар қайта тақсимланди. Жойларда ҳокимлар ва халқ депутатлари Кенгашлари ваколатлари тақсимланишига асосланган давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг янги модели назарда тутилди.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш, унда мустаҳкамланган устувор принципларни Янги Ўзбекистон улугвор гоёсига ҳамоҳанг тарзда рўёбга чиқариш, давлат органларининг фаолиятини янги конституциявий-ҳуқуқий шароитларда йўлга қўйиш, фуқаролар ўз ҳаётида халқ Конституцияси руҳини аққол ҳис этиб туришини таъминлаш мақсадида:

1. Янги таҳрирдаги Конституцияни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш барча даражадаги давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи навбатдаги устувор вазифаси этиб белгилансин.

2. Белгилаб қўйилсинки: давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари янги таҳрирдаги Конституцияни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ижросини ўз вақтида таъминлаш учун шахсан жавобгар ҳисобланади;

янги таҳрирдаги Конституция олий юридик кучга эга эканлигидан келиб чиқиб, давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида тўғридан-тўғри ва сўзсиз қўлланилади;

янги таҳрирдаги Конституция нормаларини уларни амалга ошириш учун бошқа қонунчилик ҳужжатларининг мавжуд эмаслиги ёки қонунчилик Конституцияга мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмаганлиги важи билан қўллашни рад этиш қатъиян тақиқланади.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

Йўқлов

9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари билан учрашиб, улар ҳолидан хабар олди.

Янгийўл шаҳридаги "Файзобод" маҳалла фуқаролар йиғинида яшаётган уруш фахрийси Раҳимжон ота Ражабов бу йил 99 ёшни қаршилади. Вилоят ҳокими отахоннинг хонадонидан меҳмон бўлди.

Дастлаб З. Мирзаев Президентимизнинг байрам табригини ўқиб эшиттирди. Шундан сўнг Президентимиз фармонида асосан отахонга бир марталик 18 миллион сўм пул мукофоти ҳамда вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди.

Маълумотларга кўра, 1941-1945 йилларда Тошкент вилоятидан жами 121 минг 969 нафар киши фронтга кетган. Уларнинг 22 минг 617 нафари жангларда ҳалок бўлган. 19 минг 367 нафари бедарак йўқолган. 1942 йилнинг кузига Тошкент вилояти аҳолиси фронтга 52 вагон озик-овқат маҳсулотлари жўнатган. Биргина

Оққўрғон ва Янгийўл туманидан аҳолининг ўз шахсий жамғармалари ҳисобидан 220 миллион сўмдан зиёд пул маблағи фронтдаги ғалабани таъминлаш учун ташкил этилган махсус жамғарма ҳисобига ўтказилган. Уруш ўчоқларидан мазкур ҳудудга юборилган 3 минг 500 нафар бошпанасиз қолган одамлар ва 1 минг 700 нафар ёш ғудаклар вилоятдаги ўзбек хонадонларида кўним топган.

(Давоми 4-саҳифада) ▶

СИЙЛАНГАН ЖОЙИДА АЗИЗДИР ИНСОН...



Шуқуҳ

ХОТИРА АБАДИЙ, ҚАДР МУҚАДДАС



Куйи Чирчиқ туманида жойлашган "Кўҳинур" сяхатгоҳида вилоят ҳокимлиги томонидан 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб "Хотира абадий, қадр муқаддас" деб номланган тантанали маросим ташкил этилди.

Тадбирга вилоят ҳокими, сектор раҳбарлари, туман-шаҳарларда истикомат қилувчи уруш қатнашчилари, фронт ортида хизмат қилганлар ҳамда меҳнат фахрийлари таклиф этилди.

(Давоми 3-саҳифада) ▶

МАРДЛИКНИНГ МАНГУ МУҲРИ

Розия опа ҳар тонг ўғлининг суратига узоқ термулганча, у билан суҳбатлашади...



3 ▶

ЭЛНИ ЭЛ ҚИЛУВЧИ ҚУДРАТ

Юртимизда ўтган азиз инсонларнинг хотирасини эъзозлаш, бугунги тинч, осойишта, дориламон кунларга етишимизда фидойилик кўрсатган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар, нуроний отахонлар онахонлар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий кўмак бериш эзгу анъанага айланган.

4 ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЯНГИ ТАХРИРДАГИ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI KONSTITUCIYASINI AMALGA OSHIRISH B'YIYCHA BIRINCHI NAVBATDAGI CHORA-TADBIRLAR TUG'RISIDA

3. Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда – дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Куйидагилар:

Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг устувор ғояларини рўйбга чиқариш ва нормаларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича Давлат комиссияси (кейинги ўринларда – Давлат комиссияси) 2-иловага мувофиқ таркибда;

Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат принципларини изчил амалга ошириш бўйича экспертлик кенгашлари (кейинги ўринларда – экспертлик кенгашлари) 3–7-иловаларга мувофиқ таркибда тузилсин.

5. Белгилансинки, Давлат комиссияси:

янги тахрирдаги Конституция ва дастурни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини таъминлайди;

давлат органлари ва ташкилотлари, экспертлик кенгашларининг янги тахрирдаги Конституция ва дастурни амалга ошириш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

янги тахрирдаги Конституция ва дастурни амалга оширишда кенг жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтлари, илмий доиралар ва хорижий экспертлар иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратеди;

янги тахрирдаги Конституцияни амалга ошириш доирасида қилинган ишларни кенгайтирилган тарзда йилга камида икки маротаба танқидий муҳокама қилиб боради ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари, экспертлик кенгашлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитида;

6. Экспертлик кенгашлари (Т.Нарбаева, Н.Исмоилов, Н.Йўлдошев, Ж.Қўчқоров, А.Ташқулов):

2024 йил 1 январга қадар ўрта ва узоқ истиқболли суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатни ривожлантириш концепциялари ишлаб чиқиши ва Давлат комиссиясига киритилишини таъминласин;

янги тахрирдаги Конституцияда мустақамланган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатнинг устувор принциплари ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида акс этирилиши устидан мониторинг олиб бориши;

янги тахрирдаги Конституция ва дастурнинг амалга оширилиши юзасидан ҳар чорақда Давлат комиссиясига ҳисобот киритиб бориши.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти янги тахрирдаги Конституцияни амалга ошириш жараёнини ахборот-таҳлилий, илмий ва экспертлик жиҳатдан таъминлаш учун масъул этиб белгилансин ва унинг зиммасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

янги тахрирдаги Конституцияга мувофиқ ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш;

давлат органлари, айниқса, суд ва ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида янги тахрирдаги Конституция нормаларининг тўғридан-тўғри қўлланиши ҳолатини мониторинг қилиб бориши;

янги тахрирдаги Конституция асосида янги ўқув дастурлари, дарслиқлар ва бошқа қўлланмаларни тайёрлаш бўйича илмий-методик чора-тадбирларни мувофиқлаштириши.

8. Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари корпусини шакллантиришнинг мажоритар-пропорционал шаклига асослан-

ган сайлов тизимини жорий этиш ҳақидаги тақлифлари маъқуллансин.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бир ой муддатда мажоритар-пропорционал шаклга асосланган сайлов тизимига ўтишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш тавсия этилсин.

9. Янги тахрирдаги Конституциянинг 32-моддасида белгиланган мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқи тўлиқ рўйбга чиқарилишини таъминлаш мақсадида:

Вазирлар Маҳкамаси (А. Арипов) икки ой муддатда "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш бўйича қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин;

Ички ишлар вазирлиги (П. Бобононов) бир ой муддатда фуқароларни яшаш жойи бўйича рўйхатга олишда хабардор қилиш тартибини жорий этишга қаратилган мутлақо янги механизмларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳасини тақдим қилсин.

10. Янги тахрирдаги Конституциянинг 78-моддасида белгиланган болалар ва ёшларда халқнинг бой маданий меросидан фахрланиш, Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғулари шакллантиришга оид қондаларни амалга ошириш мақсадида 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб республика фуқароси ҳисобланган ва 18 ёшга бўлган болаларнинг маданий мерос объектларига, жумладан кўргазмалар, тарихий обидалар ва зиёратгоҳлар, шунингдек, давлат музейларига тўловсиз кириш тартиби жорий этилсин.

Олий Мажлис палаталарига бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, боланинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлиқ ривожланиши учун муносиб шарт-шароитларни яратиш мақсадида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар оғибдусмани) тўғрисида"ги қонун лойиҳасини қисқа муддатда қабул қилиш тавсия этилсин.

11. Фуқароларнинг янги тахрирдаги Конституциянинг 50-моддасида белгиланган таълим олиш ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш мақсадида 2023 йил 1 августдан бошлаб солиқ тўловчилар томонидан ёшидан қатъи назар фарзандларининг Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларида таълим олишлари учун йўналтирилган тўловлар солиқ солинмайдиган даромадлар тоифасига киритилсин.

12. Янги тахрирдаги Конституциянинг 41, 65–67-моддалари талабларидан келиб чиқиб, шунингдек, мулк ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, ушбу ҳуқуқларни чеклаётган омилларни бартараф этиш, мулк муносабатларга асосиз аралашувга йўл қўймаслик мақсадида 2023 йил 1 июндан бошлаб қуйидагилар бекор қилинсин:

тўлов хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар жисмоний шахслар ўртасида пул ўтказмалари амалга оширилганда, уларга кўрсатилган хизматлар учун электрон ҳисоб-варақ-фактуралар тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби;

чакана савдо ва хизмат кўрсатиш объектларининг фаолият кўрсатиш вақтига нисбатан чекловлар.

13. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев) Марказий банк (М. Нурмуратов), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л. Қудратов), Табиат ресурслари вазирлиги (А. Абдухалимов) билан биргаликда икки ой муддатда "яшил молиялаштириш" механизмларини татбиқ этиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин ва унда шу жумладан "яшил сертификат",

"яшил кредитлар" ва халқаро тажрибада кенг фойдаланиладиган бошқа институтларни назарда тутсин.

14. Янги тахрирдаги Конституциянинг 55-моддасида белгиланган ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи кафолатларини янада кучайтириш мақсадида 2024 йил 1 январдан бошлаб, маъмурий судларга шикоят қилишда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларидан давлат божини ундирмаслик, бунда давлат божини ишни қўриб чиқиш натижаси бўйича айбдор тарафдан ундириш тартиби жорий этилсин.

Адлия вазирлиги (А. Ташқулов) Олий суд (Б. Исламов) Адлия вазирлиги (А. Ташқулов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев) билан биргаликда 2023 йил 1 октябрдан бошлаб ушбу бандда назарда тутилган масала бўйича қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин.

15. Янги тахрирдаги Конституциянинг 21-моддасида белгиланган ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда мутаносиблик принципини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Адлия вазирлиги (А. Ташқулов) Олий суд (Б. Исламов), Бош прокуратура (Н. Йўлдошев), Ички ишлар вазирлиги (П. Бобононов) ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев) билан биргаликда:

икки ой муддатда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликда шартномавий ва бошқа фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган жавобгарлик чораларини бекор қилиши;

2024 йил 1 январга қадар қонунчилик базасини тўлиқ хатловдан ўтказиб, унда белгиланган ҳуқуқий таъсир чораларини мутаносиблик принципига мувофиқлаштириш бўйича тақлифлар киритсин.

16. Адлия вазирлиги (А. Ташқулов) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев), Олий суд (Б. Исламов) ва Бош прокуратура (Н. Йўлдошев) билан биргаликда икки ой муддатда янги тахрирдаги Конституциянинг 29-моддасида белгиланган давлатнинг ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларга етказилган зарарининг ўрни қоплатиши учун шарт-шароитларни яратиш мажбурияти тўлиқ рўйбга чиқарилишини таъминлашга қаратилган механизмларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин.

17. Янги тахрирдаги Конституциянинг 26-моддасида белгиланган инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлиги кафолатларини янада мустаҳкамлаш мақсадида Бош прокуратура (Н. Йўлдошев) Ички ишлар вазирлиги (П. Бобононов), Олий суд (Б. Исламов) ва Давлат хавфсизлик хизмати (А. Азизов) билан биргаликда 2023 йил 1 августга қадар қамқоқчи олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашда шахсини ҳибсхонага жойлаштиришдан олдин мажбурий тиббий кўридан ўтказиш тартибини жорий этиш бўйича асосланган тақлифларни киритсин.

Янги тахрирдаги Конституция 142-моддаси талабларидан келиб чиқиб:

а) жиноят процессида ҳимоячининг мақоми кучайтириш мақсадида, унга қуйидаги қўшимча ҳуқуқ ва ваколатлар берилсин:

суриштирув ва дастлабки терговда ҳимоячи томонидан исталган вақтда жиноят ишини қўзғатиш ва тугатиш ҳақидаги қарорлардан нусха олиш;

кўрсатмаларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш (депонирование) учун судга тўғридан-тўғри илтимоснома киритиш;

терговга қадар текширув ўтказилаётган шахсларга малакали юридик ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқини кафолатлаш мақсадида терговга қадар текширув жараёнида ҳимоячи мақомида иштирок этиш;

иш бўйича шартнома асосида суд экспертизалари ўтказилишини ва зарур билимга эга мутахассислар жалб қилинишини ташкиллаштириш;

жиноят иши бўйича маълумотларга эга шахсларни сўровдан ўтказишда уларнинг розилиги билан махсус техника воситаларидан фойдаланиш;

б) адвокатура соҳасига ёш кадрларни фаол жалб қилиш мақсадида 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб олий таълим ташкилотлари юриспруденция йўналишида тахсил олаётган битирувчи курс талабаларига адвокатлик тузилмаларида меҳнат қонунчилигига мувофиқ ўқишдан бўш вақтда адвокат ёрдамчиси сифатида иш фаолиятини олиб боришга ружсат этилсин.

Адлия вазирлиги (А. Ташқулов) Олий суд (Б. Исламов) ва Бош прокуратура (Н. Йўлдошев), Давлат хавфсизлик хизмати (А. Азизов), Ички ишлар вазирлиги (П. Бобононов) билан биргаликда икки ой муддатда ҳимоячининг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришни, адвокат ёрдамчиси сифатида иш фаолиятини олиб бориш тартибини тақомиллаштиришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин.

19. Бош прокуратура (Н. Йўлдошев) Ички ишлар вазирлиги (П. Бобононов), Миллий гвардия (Р. Джуроев), Давлат хавфсизлик хизмати (А. Азизов) билан биргаликда бир ой муддатда ушланган ва тергов остида бўлган шахснинг конституциявий процессуал ҳуқуқларини батафсил тушунтириб берувчи кўргазмали материалларнинг ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан, тергов идоралари биноларига фуқароларга кўринадиган тарзда жойлаштирилишини таъминласин.

20. Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И. Абдурахманов), Адлия вазирлиги (А. Ташқулов) ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2023/2024 ўқув йили бошланганга қадар:

барча таълим турлари ва босқичларидаги Конституцияни ўрганиш бўйича ўқув режалари ва таълим дастурларини қайта қўриб чиқиш ва уларни янги тахрирдаги Конституция норма ва қоидаларига мослаштириш;

ўқувчиларга, ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, янги тахрирдаги Конституцияни ўргатиш бўйича замонавий методика асосида дарслиқлар, ўқув қўлланмалари ва махсус адабиётларни яратиш чораларини кўрсин.

Мазкур банддаги чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплансин.

21. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (Ф. Мирзаев) Адлия вазирлиги (А. Ташқулов), Судьялар олий кенгаши (Х. Ёдгоров) ва ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи 2023–2024 йилларда янги тахрирдаги Конституция бўйича давлат фуқаролик хизматчилари ва суд-ҳуқуқ тизими ходимларини ўқитиш режасини тасдиқласин: алоҳида график асосида барча бўғиндаги давлат фуқаролик хизматчилари ва суд-ҳуқуқ тизими ходимларига янги тахрирдаги Конституциянинг мазмун-моҳиятини ўқитишни ташкил этиш;

давлат фуқаролик хизматчилари ва суд-ҳуқуқ тизими ходимларининг конституциявий маданияти, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва баҳолаш тизимини янги тахрирдаги Конституцияга мослаштириш нуктаи назаридан қайта қўриб чиқиш.

22. Олий Мажлис палаталари, Конституциявий суд, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиё-

сат институти ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг янги тахрирдаги Конституциянинг модда-модда илмий-амалий шарҳини тайёрлаш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

Янги тахрирдаги Конституциянинг модда-модда илмий-амалий шарҳини тайёрлаш бўйича тахрир кенгаши 8-иловага мувофиқ таркибда шакллантирилсин ва унинг ишчи органи этиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти белгилансин.

Тахрир кенгаши (М. Раҳманқулов): шарҳни тайёрлашда янги тахрирдаги Конституциянинг кўп миллатли халқимизни бирлаштиришдаги салоҳиятини, унда ўз аксини топган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат принципларини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг янги механизмларини очиб беришга, шунингдек, унинг матни аҳолининг кенг қатламлари, айниқса, ёшлар учун тушунарли ва содда тилда бўлишига эътибор қаратсин; етакчи миллий ва хорижий экспертлар, ҳуқуқшунослар ва давлат арбобларини жалб этган ҳолда, 2023 йил 1 декабрдан бошлаб шарҳ матни тайёрлашни ҳамда ўзбек ва хорижий тилларда chop этилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

23. Қақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов) Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти (М. Раҳманқулов) ва Адлия вазирлиги (А. Ташқулов) 2023 йил 1 июнга қадар ўзбек ва хорижий тилларда "Янги Ўзбекистон Конституцияси" ягона миллий портали (кейинги ўринларда – портал) ва унинг мобил иловаси ишга туширилишини таъминласин.

Бунда, портал ва унинг мобил иловасида фуқаро ва тадбиркорлар учун қонунчиликни янги тахрирдаги Конституцияга мувофиқлаштириш ҳамда унга амалга оширишда юзага келаётган умумолларни бартараф этиш бўйича тақлифларни тақдим этиш имконияти назарда тутилсин.

24. Адлия вазирлиги (А. Ташқулов) Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти (М. Раҳманқулов) билан биргаликда уч ой муддатда қонуности ҳужжатларини хатловдан ўтказиш ҳамда порталга келиб тушган тақлифларни умумлаштириш натижаларига қўра янги тахрирдаги Конституцияга мувофиқлаштирилиши лозим бўлган нормаларни қайта қўриб чиқиш бўйича тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

25. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига оммавий ахборот воситаларида янги тахрирдаги Конституциянинг ҳаётга татбиқ этиб борилиши, шу жумладан аҳолининг турмушидаги ижобий ўзгаришларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

26. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб дастурда иккунчи сифатида назарда тутилган вазирликлар, идоралар ва экспертлик кенгашлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси раҳбари С.У.Умурзақова юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2023 йил 8 май

Ш. МИРЗИЁЕВ

Кун тасвири

Тошкент шаҳридаги «City Palace» меҳмонхонасида Жанубий Корея Республикасининг Жеолланам-до вилояти ва Тошкент вилоятининг ЗАНГИОТА тумани ўртасида қайта тикланувчи энергия ресурсларидан қуёш энергияси ишлаб чиқариш бўйича яқиндан ҳамкорлик қилиш тўғрисида меморандум имзоланди.

ЎРТА ЧИРЧИҚ туманида журналист ва блогерлар иштирокида «Кулпна й сайли» ўтказилди.

ОҲАНГАРОН туманининг «Гўшой» маҳалласида 2,3 км. узунликдаги ички йўллар асфальтланди.



Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан БЕКОБОД туманининг «Истиқбол» ва «Илғор» маҳаллаларидаги қабристонларда ҳашар ташкил қилинди. Шунингдек, эскирган электр симлари янгисига алмаштирилиб, кўчалар тартибга келтирилди.



ПИСКЕНТ тумани прокурори А. Жўраев ёшлар етакчилари билан биргаликда «Келовчи» ва «Гулистон» маҳаллаларида яшовчи ногиронлиги бўлган, пробация рўйхатида турувчи ёшларнинг оилавий шароити ва нима билан бандлигини ўрганиб, уларга моддий ёрдам беришга келишиди.



ЧИНОЗ туманида жорий йилги галла ўрими мавсумига техникаларни хар томонлама шай ҳолатга келтириш борасидаги ишлар муҳокама қилиниб, муаммоларни ҳал этиш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.



Жорий йилда ТОШКЕНТ вилоятидаги сув таъминоти оғир ҳудудларда аҳоли томорқа ерларини сугориш учун 30 та катта ҳажмдаги вертикал сугориш қудуғини бурғулаш ва ишга тушириш мақсадида 27 та маҳаллада жами 25 та насос агрегати ўрнатилиши режа қилинган. Ҳозирда 10 га яқин артезиан қудуқлари ишга туширилди.



ТОШКЕНТ вилояти «Менинг йўлим» лойиҳасида энг кўп йўналишлар бўйича ғолиб бўлди. Ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, ушбу жараёнларда энг кўп ғолиб лойиҳалар Охангарон ва Бекобод шаҳарлари ҳамда Зангиота тумани ҳиссасига тўғри келмоқда.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

ХОТИРА АБАДИЙ, ҚАДР МУҚАДДАС



(Давоми. Бошланиш 1-саҳифада)

Маросимда букилмас ирода, матонат ва жасорат намунасини амалда намоеън этиб, ўз ҳаётини Ватанимиз равнақи, бугунги тинч ва оқойишта кунларимиз учун фидо қилган аجدодларнинг муқаддас хотираси ёд этилди.

– Хотира муқаддас туйғу, – дейди меҳнат фахрийси Фарида Акбарова. – Бугунги тадбирда вилоятимиз фахрийларини қўриб қувондик, утганларнинг хотирасини ёдга олдик. Даврамызда уруш қатнашчилари билан бирга узоқ йиллар фан, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида меҳнат қилганлар ўтиришибди. Улар билан дийдорлашиш, гурунглашиш насиб қилганидан биз ҳам хурсандимиз. Тадбир иштирокчиларига махсус тайёрланган байрам дастури намойиш этилди.

Эл ардоғидаги санъаткорлар, иқтидорли ёшлар ижросидаги куй-қўшиқлар барчага хушжайфият бағишлади.

Ўз мухбиримиз



Юқори чирчиқлик Бексеит ота Бекмурзаев ҳар гал уруш даҳшатини эслаганида кўзларида ёш қалқийди. Уруш хотираларини бир зум ҳам унутмайди. Бексеитнинг икки акаси – Момой ҳамда Тоғай ҳам урушга кетишди. Момой жанг майдонидан қаҳрамонларча ҳалок бўлган.

МЕН УЧУН ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ...

Уруш фахрийси ёшлигидан кўп қийинчиликларни бошидан ўтказган. Болалигида унинг отаси вафот этади. Онасини эса амакиси (отасининг укаси) га никоҳлаб беришади. Уша давр учун бу оддий ҳол эди...

– 1941 йилнинг сентябрь ойида урушга кетганман, – дея эслайди Бексеит ота. – Техникумда ўқиб юрган пайтида урушга чақирув қоғози келган. Ушанда 18 ёшда эдим. Бизни Киев яқинидаги худудга олиб боришган, у ерда артиллерия алоқа бўлимида ишлаганман. Бир кун душман қўшинлари бизнинг худудга бостириб келди.

Бу ҳақда ўзимизникиларга хабар беришим керак эди. Бироқ, рақия ишламасди. Командиримиз: “Ё хабар бер, ё ҳозир отиб ташлайман”, деб пешонамга автоматини тираб турибди. Қора терга ботиб, роса уришиб, душман худудга киришига 10 дақиқа қолганида носоз жойини топиб, тузатиб, аскарларни оғоҳлантирганмиз.

Уруш 1945 йилда тугайди. Лекин Бексеит ота учун эмас. Уни жанг бўлган худудга олиб қопишади. Кейинчалик Япония билан урушга сафарбар қилинади. Орадан 6 йил ўтиб – 1947 йилда юртига қайтади. Қишлоғида ўқитувчилик қилади. У вақтларда ўқитувчиларга деярли иш йўқ, барча очарчиликка қарши курашарди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимизда уруш қаҳрамонларига алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб келинмоқда. Бексеит ота 2021 йилда давлатимиз раҳбари томонидан “Ўзбекистон Респуб-

ликаси мустақиллигининг 30 йиллиги” кўкрак нишони билан тақдирланди. Ҳозирда 4 фарзанд, 15 нафар набера, 20 дан ортиқ зваралар қуршовида умргузаронлик қилмоқда.

– Шундай кунларга етказганига шукр, – дея давом этди Бексеит ота. – Бунақа замонда эркин яшаш нақадар бахт эканини сўз билан таърифлаб беролмайман. Аслида мен учун бугун қўшалок байрам. Сабаби, 10 май санасида туғилганман. Бизларга берилмаётган эътибор, ғамхўрлик учун Президентимизга раҳмат.

Айни дамда Тошкент вилоятида 26 нафар Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти қатнашчилари истиқомат қилмоқда. Улар бугунги ёшлар учун ҳақиқий афсона. Уларнинг ҳолидан хабар олиш, суҳбатларидан баҳраманд бўлиш ҳар биримиз учун фарз.

Сухробжон САДИРОВ
/Тошкент ҳақиқати/
Жалопиддин ЭСОНОВ
олган сурат

МАРДЛИКНИНГ МАНГУ МУҲРИ

Махсус гуруҳ командири, лейтенант Сайёр Саъдинов 1976 йилда туғилган. Сайёр болалигидан жуда чақон ва эпчил эди. Мактаблар ўртасидаги спорт мусобақаларида ҳамisha фаол иштирок этарди. Сайёрни ҳарбий хизматга чақиришганда оиланинг тунгич фарзанди Бахтиёр тиббиёт институтида ўқирди (у ҳозир ҳарбий шифокор). Шу сабабли онаси Розия опа: «Ўғлим, сен армияга кетсанг қийналиб қолмасанми?» деб Сайёрни тўхтатмоқчи

бўлади. У эса: «Онажон, ўзим орзу қилган йўналиш бўйича хизматга жўнатишар экан, оқ фотиҳа беринг», дейди. Она ўглининг қатъиятини кўриб, уни қўллаб-қувватлайди.

Шундай қилиб Сайёр 1999 йилда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини тамомлайди.

2000 йил Сурхондарё вилоятининг тоғли худудларида жангарилар билан бўлган жангда Сайёр Саъдинов юртимиз тинчлиги учун кўксини қаққон қилиб, хизмат бурчини

бажариш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлади. Уша жангда қатнашган сафдошларининг айтишича, кўксидан яраланганига қарамай, яна бир нечта душманни йўқ қилади. Улимидан сўнг Сайёр Саъдинов Президент Фармонига биноан II даражали «Шон-шараф» ордени билан тақдирланди.

Орадан шунча йил ўтганига қарамай, Розия опа ҳар тонг ўглининг суратига узоқ термулганча, у билан суҳбатлашади. Альбомни варақлаб, фарзандининг болалиги, ўқувчилик пайти ва ҳарбий хизматдаги суратларини кўзларига суртади. Хонадонига йўқлаб келадиган ўглининг дўстлари, ҳарбийларнинг Сайёрнинг мардлиги, жасорати ҳақидаги хотиралари кўнглига таскин беради.

Куни кеча Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида С.Саъдиновнинг жасорати акс этган хотира бурчаги ташкил

этилди. Унинг Ватанимиз тинчлиги йўлида қилган жасорати ўсиб келаётган ёш авлод учун тарбия мактаби бўлади.

Ўз мухбиримиз



Жалопиддин ЭСОНОВ олган суратлар



БЕБАҲО ТУЙҒУ



1941 йилда Бўстонлик туманидан фронтга отланган Мирхолик Исманов ҳам Ватани тақдири ҳал бўлаётган жангларда жасорат ва мардлик кўрсатиб, кўксини орденомдалларга тўлдириб қайтди.

Ҳозирда 100 ёшдан ошган отахон ёш авлодга урушнинг даҳшатлари, тинчликнинг қадри ҳақида сўзлаб беради.

– Урушнинг номи ўқсин, – дейди Мирхолик ота. – Ҳа-нузгача кулоғимдан снарядларнинг гүмбурлаши, миналарнинг портлаган товуши кетмайди. Жанггоҳлардаги ҳолат кино тасмасидек кўз ўнгимдан ўтаверади. Ҳар тонг шу кунларга етказганига шукрона

айтиб, юртга тинчлик сўрайман. Куни кеча туманимиз ҳокими бир гуруҳ ҳамроҳлари билан йўқлаб келиб, Президентимизнинг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига йўнлаган табригини ўқиб берди, шунингдек, пул мукофоти, қимматбаҳо совғаларни топширди. Улар қуршовида ўзимни янада бардам ҳис қилдим. Биз, нурунийларни эъзозлаётганларни дуо қилдим.


Ҳамкорлик

МИКРОЧИПЛАР ОҲАНГАРОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Оҳангарон туманида Марказий Осиёдаги энг йирик микрочиплар заводи ишга туширилади. Унда Ўзбекистон Германиянинг “Infineon technologies” компанияси билан ҳамкорликда сим-карталар, ID-карталар, пластик карточкалар, маиший техникалар ва автомобиллар учун микрочиплар ишлаб чиқарилади.

Бу ҳақда Берлиндаги бизнес-форумда “Ўзлтехсаноат” уюшмаси раиси Мирзиёд Юнусов маълум қилди. Ишлаб чиқариш Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида 2024 йилнинг 1-чорагида бошланиши режа қилинган.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати



Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

“ЧЕВАРЛИКНИ ОНАМДАН ЎРГАНГАНМАН...”

Юқори Чирчиқ туманининг “Бирлик” маҳалласида истиқомат қилувчи Элвира Таимбетова ёшлигидан чеварликка қизиқар, тикувчилик цехи очишни орзу қиларди. Бугун унинг орзулари амалга ошди.

Ҳунармандчилик

– Болалигимдан кўгир-чочларимга турли кийимлар тикардим, – дейди Э. Таимбетова. – Онам уйда буюртмага кўйлак тикардилар. Биз уч опа-сингил тикишни онамдан ўрганганмиз. Уша пайтларда оилавий тикувчиларнинг иши осон эмасди. Баъзан, “заказлар”ни вақтида тайёрлаш учун тонгача ишлаш керак бўларди.

Элвира мактабни битиргач, Тошкент шаҳрининг Сергели туманидаги касб-ҳунар коллежининг бухгалтерия йўналишига ўқишга кирди. Тикувчилик эса унинг хобби-

сига айланди. Аммо кейинчалик қизиқиши устун келди. – Шу касбни мукамал ўрганиш мақсадида Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон-Хитой кўшма тикув цехига ишга кирдим, – дея давом этди Элвира. – Қисқа муддатда “мастер” даражасига кўтарилдим. Лекин, ўз ишимни бошлашим керак деган ўй тинчлик бермасди. Анчагина қийинчиликлардан ўтиб, мақсадимга етдим.

Дастлаб ўз уйда буюртмалар олиб, иш бошлаган Элвира 2022 йилда банкдан 11 миллион сўм кредит олиб, зарур техникаларни



харид қилди ва кичик тикув цехи фаолиятини йўлга қўйди. Ёнига маҳалладаги 5 нафар аёлни ишга олди.

– Шукр, буюртмамиз кўп, – дейди тадбиркор. – Цехда кунига 80-90 та кийим тикилади. Асосий буюртмачимиз Тожикистондан. Келгусида

цехни кенгайтириб, ишчилар сонини ошириб, опа-сингилларимиз учун бежирим либослар тикишни кўпайтирамиз.

Сухробжон САДИРОВ
/Тошкент ҳақиқати/
Жалопиддин ЭСОНОВ
олган сурат

ЭЛНИ ЭЛ ҚИЛУВЧИ ҚУДРАТ

Ҳар йили 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар республикамизнинг барча ҳудудларида кўтаринки руҳда ўтказиб келинаётир.

Муҳтарам Президентимизнинг 2023 йил 2 майдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ушбу шодиёна уюшқоқлик билан юртимизнинг ҳар бир гўшасида нишонланяпти.

Бу йил ушбу ҳужжатга мувофиқ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ноғиронларнинг ҳар бирига давлатимиз томонидан 18 миллион сўм миқдорда бир марталик мукофот пули берилмоқда.

Хотира ва қадрлаш тушунчалари замирида инсонга, унинг ҳаёти, шаъни ва қадр-қимматига чексиз эҳтиром туйғуси мужассам. Хотира ва қадрлаш кунлари арафасида бугунги тинч-осойишта ҳаёт, тўқинлик ва фаровонликка қандай оғир синов ва машаққатлар эвазига эришилгани хаёлимиздан ўтади. Шу йилда қурбон бўлган миллионлаб юртдошларимиз хотирасига таъзим қиламиз.

Уруш бошланганда Ўзбекистон аҳолиси 6,5 миллион кишига яқин бўлган. Шундан 1,5 миллиони, яъни қурол кўтаришга қўрби етгани борки, оловли жанг-гоҳларда жон олиб, жон беришган. Улардан 500 мингдан кўпроғи жанг майдонларида шахид бўлган, кўплари майиб-мажруҳ бўлиб қайтган, бедарак йўқолганлари қанча.



ти. Шу боис уларнинг қадрига етиб, дуоларини олиб қолишга ҳаракат қилишимиз керак. Кексаларни эъзозлашни ўзини муслимон сананган киши борки, шараф билан адо этади. Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Набий алайҳиссалом: "Еш йигит кекса кишини ёши улуғлиги учун ҳурмат қилса, Аллоҳ таоло уни ҳам кексайга-

9 май – Хотира ва қадрлаш кун

Бизга насиб этган мустақиллик, тинчлик ва осойишталикнинг аҳамиятини янада теранроқ англаймиз.

Бу йил ғалабанинг 78 йиллигини кенг нишонлаймиз. Ана шу буюқ ғалабани қўлга киритишда мардлик ва жасорат кўрсатган фахрийларимизни, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртдошларимизни табриклаб, уларга сийҳат-саломатлик, узоқ умр тилаш барчамиз учун катта шарафдир. Шу билан бирга, уруш майдонларидан қайтмаган, мана шундай мусаффо осмон, тинч ва осойишта ҳаёт учун жон бериб, қурбон бўлган юртдошларимизнинг муқаддас хотираси олдида бош эгамиз.

Уруш бошланганда Ўзбекистон аҳолиси 6,5 миллион кишига яқин бўлган. Шундан 1,5 миллиони, яъни қурол кўтаришга қўрби етгани борки, оловли жанггоҳларда жон олиб, жон беришган. Улардан 500 мингдан кўпроғи жанг майдонларида шахид бўлган, кўплари майиб-мажруҳ бўлиб қайтган, бедарак йўқолганлари қанча.

Булар шунчаки оддий рақамлар эмас. Бу рақамлар ортида фидойилик, ҳурлик, истиқлол, эркинлик озулари мужассам бўлган. Шуларни таҳлил қилсак, ўз-ўзидан бугунги саодатли кунларга осонликча эришилмаганини англаймиз. Демак, барчамиз шу азиз Ватанни кўз қорачигимиздек асрашга бурчлимиз.

Иккинчи жаҳон урушида қатнашган юртдошларимиз сафи тобора торайиб боряпти. **Давоми. Бошланғич 1-саҳифада**

нида ҳурмат қилинадиган инсонлар қаторига қўяди" (Имом Термизий ривояти), деб марҳамат қилганлар.

Бошқа бир ҳадисда эса: "Кичикларга раҳм-шафқатда, катталарга ҳурмат-иззатда бўлмаган киши биздан эмасдир", дейилган (Имом Абу Довуд ривояти).

Фронт ортида меҳнат қилганлар ҳам чидаб бўлмас машаққатларга дучор бўлишгани тарихий ҳақиқатдир. Юртдошларимиз фронт ҳудудларидан кўчириб келтирилган бир миллионга яқин болалар, аёллар ва қарияларни қабул қилгани, уларга бошпана бериб, охириги бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўргани, "Сен етим эмассан" деб, уларни ўз бағрига олиб, меҳр-муруват кўрсатгани халқимизнинг одамийлик фазилатлари, олижаноблигининг ёрқин ифодасидир. Зеро, ҳадиси шарифда Набий алайҳиссалом: "Мен ва етимни кафиликка олган киши жаннатда мана шундай бўлади (деб шаҳодат ва ўрта бармоқларини бир-бирига яқинлаштириб кўрсатганлар)" (Имом Бухорий ривояти).

Инсоният тарихидаги энг мудҳиш ва бе-шафқат урушнинг бошидан кечирган халқимиз бундай ёвуз офат ҳеч қачон қайтмаслигини, остонамизга яқин йўламаслигини сўрайди. Шу боис доимо дуога қўл очганимизда, аввало, тинчлик-хотиржамликни, саломатликни Яратгандан тилаймиз.

Илоҳим, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Жасурбек домла РАУПОВ,
Тошкент вилояти бош имом-хатиби



Сийланган жойида азиздир инсон...

Ийқлов

– Бу кунлар саодати ҳақида сўрашганда томоғимга нимадир тикилгандек бўлади, – дейди Раҳимжон ота Ражабов. – Шу кунларни тенгдошларим ҳам кўрган эди. Минг афсуски, урушнинг суронли йиллари билан қалби қоришиб кетди. 17 ёшимда урушга кетганман. Украинадан то Берлин остонасигача бордим, япон урушида қатнашдим. Ватанга қайтгач, Янгийўлдан уй-жой қилиб, оилали бўлдим. Етти нафар фарзандни тарбияладим. Улардан 22 нафар набира, 54 нафар чевара ва 6 нафар эвараларни кўриш насиб этди. Мана шу олий бахт, аслида. Вилоят ҳокимининг ташрифидан бошим кўкка етди. Айниқса, Юртбошимиз-

нинг миннатдорлик мактубларини ўқиб эшиттирилганларида, кўзларим намланди. Бундай эътибор ва ғамхўрликдан қувонмай бўладими?! Янгийўл туманининг "Қовунчи" маҳалласида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Нодир ота Мансуров хонадонига Зойир Мирзаев билан Тошкент вилояти "Нуроний" жамғармаси раиси Ф. Омонов, туман ҳокими У. Ялғашев, Мудофаа ишлари бўлими ходимлари, нуруний фахрийлар ва ёшлар ҳам боришди.

– Бизга шундай ҳурмат ва эътибор кўрсатганлар кам бўлишмасин, – дейди Нодир ота Мансуров. – Неча кундирки, меҳмонларнинг кети узил-

маяпти. Бугун уруш хотираларини яна бир бор ёдга олдик. Урушда ҳалок бўлганларнинг эътибор ва ғамхўрликдан қувонмай бўладими?! Янгийўл туманининг "Қовунчи" маҳалласида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Нодир ота Мансуров хонадонига Зойир Мирзаев билан Тошкент вилояти "Нуроний" жамғармаси раиси Ф. Омонов, туман ҳокими У. Ялғашев, Мудофаа ишлари бўлими ходимлари, нуруний фахрийлар ва ёшлар ҳам боришди.

– Бизга шундай ҳурмат ва эътибор кўрсатганлар кам бўлишмасин, – дейди Нодир ота Мансуров. – Неча кундирки, меҳмонларнинг кети узил-

маяпти. Бугун уруш хотираларини яна бир бор ёдга олдик. Урушда ҳалок бўлганларнинг эътибор ва ғамхўрликдан қувонмай бўладими?! Янгийўл туманининг "Қовунчи" маҳалласида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Нодир ота Мансуров хонадонига Зойир Мирзаев билан Тошкент вилояти "Нуроний" жамғармаси раиси Ф. Омонов, туман ҳокими У. Ялғашев, Мудофаа ишлари бўлими ходимлари, нуруний фахрийлар ва ёшлар ҳам боришди.

Абдулазиз МУСАЕВ.



*Заёт уйқудир, ў.м.и.а уйқонур инсон.
Сен тошис, ў.м.асдан аввал уйқон.*

Жалолиддин РУМИЙ

Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуг. Ўтганларни, уларнинг хайрли ишларини, жасоратини ёдга олмоқ, эъзозламоқ халқимизга хос эзгу фазилатлардандир.

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жанглардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган, машаққатли дақиқаларда ҳам ўзлигини йўқотмаган, имони бутун

Баҳорнинг илк неъматларидан бири – қулупнай пишганига анча бўлди. Илгари иссиқхоналар бўлмаганда, қулупнай май ойининг ўрталарида пишар эди. Ҳозир йил бўйи бозорларда қулупнай узилмайди. Кўриб кўзинг қувонади. Етказганига шукр. Аммо, ҳар баҳор, ҳар қулупнай пишғида

сигири ўғирлаб кетилган, оғир бетоб бўлиб тўшакка михланди ётган укасида ҳол-аҳвол сўрашга ҳам ярамайди, бу ҳам етмагандек, болаларининг сўнги ризиқи – ҳовли четидаги бир ҳовуч қулупнайга ҳам ўғри оралаган... Етишмовчилик ва виждон азоби Шокиромни қалтис қарор қабул қилишга

изи) иштирок этган. Жанговар ҳаракатлар 40 та давлат ҳудудида олиб борилган. Куролли кучларга 110 миллион киши жалб этилган. Уруш қурбонларининг умумий сони 60–65 миллионни ташкил этган. Шундан 27 миллион киши жанг майдонларида ҳалок бўлган. Уруш йилларида Ўзбекис-

зиёд самолёт, қўллаб қурол-яроғ, юзлаб ҳарбий-санитария поездлари, дала ошоналари, палаткалар, жуда катта кийим-кечак ва бошқа зарур маҳсулотлар етказиб берилган. 1941-1945 йилларда мамлакатимиз соёқ Иттифоқ миёсидидаги улкан госпиталга айланди. Бу ерда минг-минглаб жангчилар даволаниб, уруш ва меҳнат фронтларига қайтган.

Ўзбекистон уруш тўғрисида уй-жойи, ота-онаси ва қариндошларидан ажралган, фронт ҳудудларидан кўчириб келтирилган қарийб 1 миллион кишини ўз яқинларидек кутиб олди. Уларнинг 200 миң нафари болалар эди. Юзлаб ўзбек оилалари эвакуация қилинган етим болаларни ўз тарбиясига олди. Охириги бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўрди. Бунинг ёрқин мисоли – 14 нафар болани ўз бағрига олган тошкентлик Шомаҳмудовлар оиласидир.

Фашизмга қарши курашда ҳалок бўлган минглаб ватандошларимизнинг сўнмас хотирасини ёд этиш, уларнинг руҳи покларига ҳурмат бажо келтириш, бугунги дорилармон кунлар, фаровон ҳаёт учун шукрона келтириш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Яратганга беадаб шукр. Бугун бир коста қулупнай учун бир она қурбон бўлган кунлар, бир коста қулупнай учун ўз онасининг қотилига айланган ўғиллар тушга айланган...

Гулшод АЗИМОВА



юртдошларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш том маънода миллий қадриятга айланди.


Паркентлик Абдусамд Манноновнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларида битилган кундалиги асосида ёзилган "Жангчи хотиралари" китоби нашрдан чиқди. Китобда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ҳисораклик Абдусамд Манноновнинг хотиралари ҳикоя қилинади.

Уруш бошланганда 19 баҳорни қаршилаган Абдусамд эл қатори фронтга отланади. Шу кундан бошлаб қўлига қалам олиб, ўзи босиб ўтган оғир жанговар йўллар, даҳшатли жанглар ҳақида ёзиб боради. Бир йил пехота (пиёда кўшинлари), саккиз ой 173-танк бригадаси ва икки йил 115-танкка қарши артиллерия полки таркибида жанг қилади. Тўрт марта яраланиб, икки марта контузия олиб, госпиталларда даволанади. Калинин, Украина фронтларидаги жанговар ҳаракатларда бевосита иштирок этади. Молдавия учун бўлган урушларда қатнашади. Венгриянинг пойтахти Будапешт учун бўлган қонли жангларда яна оғир яраланиб, Руминиядаги госпиталда даволанади. Госпиталдан чиққач, Австрияга жўнатилади. Бу ерда ҳарбий хўжалик ишларида хизматни давом эттиради.

1946 йилнинг январидида А.Манноновга Ўзбекистонга қайтиш насиб этади. Урушдан ғалаба билан қайтган жангчи тикланиш йилларида ҳам жонбозлик кўрсатади. Раҳбар кадрлар тайёрлаш курсини тугатиб, колхозда раис, бош агроном бўлиб ишлайди. Оила қўради.

Абдусамд Манноновнинг "Жангчи хотиралари" китобининг тақдироти Тошкент туманининг маданият саройида бўлиб ўтди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати



ҚИРҚ БЕШИНЧИ ЙИЛНИНГ ҚУЛУПНАЙЛАРИ

атокли адиб Ўткир Ҳошимовнинг «Урушнинг сўнги қурбони» ҳикоясида тасвирланган воқеалар кўз ўнгимдан ўтади. Қалбим титрайди, кўзимда ёш қалқийди...

1945 йилнинг баҳори. Умри холанинг ўғли – сил билан хасталанган Шонезматга сут керак. Бир коста қулупнайни бир коста сутга алмаштириш илинжида Умри хола ўз ўғлининг томорқасидан қулупнай ўғирлашга мажбур. Оиласи қорига яраб турган биргина

мажбур қилади. Аммо бу қарор унга қимматга тушади... Бир коста қулупнай термоқчи бўлган Умри холанинг умрига ўғли томорқага ташлаган электр сими зомин бўлади.

Бу кўхна дунё қўллаб қирғинбарот урушларнинг гулаб хасталанган Шонезматга сут керак. Бир коста қулупнайни бир коста сутга алмаштириш илинжида Умри хола ўз ўғлининг томорқасидан қулупнай ўғирлашга мажбур. Оиласи қорига яраб турган биргина

тон фронтнинг мустаҳкам таъминот базасига айланди. Юртимиздаги саноат корхоналари ҳарбий соҳага мослаштирилди, барча имкониятлар фронт учун, ғалаба учун сафарбар этилди. Ўлкамизга эвакуация қилинган юздан зиёд завод ва фабрикаларни ишга туширишда ишчи ва муҳандислар билан бирга аёллар ва кексалар, ўспиринлар мардлик ва матонат билан меҳнат қилган.

Уруш даврида халқимиз томонидан фронтга 2 мингдан



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay'ati raisi)

Ummat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAQHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Shavkatjon RAHIMOV

Tohir ARIPOV

Ravshan RAIMOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Mahmudjon BOLTABOYEV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Zarifa ERALIYEVA

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona: (55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@uamail.uz

Navbatchi muharrir:

Erali NORBEKOV

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Javlon HALILOV

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.

Bosishga topshirildi - 22.30

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-531.

7 769 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 ta boq. Ofset usulida bosildi.

Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manzilibimiz:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»

tahririyati kompyuter markazida

terildi va Tohir Mahmudxo'jayev

tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxonasi manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

123456